


Коррупцияга қарши курашиш- давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири.



Ўз мансаб ёки хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, ундан шахсий ёки ўзгалар манфаатларини кўзлаб моддий ёхуд номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Англаганингиздек, гап коррупция ҳақида кетмоқда. Бугун жамиятимизда ушбу иллатга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда, унинг оқибатлари оммавий ахборот воситалари орқали, турли учрашувлар, давра суҳбатлари, тадбирларда аҳолига тушунтирилишига қарамай, афсуски, коррупциянинг кескин камайишига эришганимиз йўқ.

Биламизки, коррупцияда ҳар доим камида икки томон иштирок этади, бунда, бир томондан, ноқонуний йўл билан ўзи ёки учинчи шахс учун бойлик орттираётган мансабдор шахс ҳамда бошқа томондан мансабдор шахсдан актив ёхуд пассив усулда унинг манфаатини кўзловчи қарорнинг қабул қилинишини кутаётган шахс. Коррупцияни, соддароқ қилиб, ўз нафси, манфаати йўлида қонунни ҳам четлаб ўтиши орқали ғаразли мақсади ҳамда бирор нарсага эришиш, дейиш

мумкин.

Бугунги кунда юртимизда ушбу иллатга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Унинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмаси ва амалга ошириш стратегияси ҳам аниқ. Бу борада Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилиши исботларнинг дастлабки муҳим қадами бўлди. Уни амалга оширишнинг миллий механизми сифатида **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”** ги Қонун, Президентимизнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг самарали ижроси натижасида кўплаб жиноятлар фош этилмоқда, содир қилиниши хавфи бўлганларининг олди олинмоқда. Буни ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб бораяпмиз. Бу яхши, албатта. Лекин шуларнинг ўзига етарли эмас. Коррупцияга қарши янада фаол курашишимиз керак. Бу борада тарғибот тадбирлари деярли ҳар куни ўтказилади, одамларни огоҳликка чақирамиз. Бу ишларни янада кучайтириш зарур деб ҳисоблайман. Бунинг учун Республикамизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қатор муҳим йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг превентив чоралари самарадорлигига эришиш, яъни иллатнинг олдини олиш назарий пойдевори ---- “таълим, хабардорлик ва тарғибот ” тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик ” тамойиллари асосида коррупцияга қарши курашишининг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда холис ва шаффоф баҳолаш тизими ишлаши йўлга қўйилган.

Коррупцияга қарши курашиш стратегиясида интеграциялашган ёндашувни қўллаш бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институти билан ҳамжихат фаол ҳаракатини таъминлаш лозим.

Жамиятнинг ҳар бир соҳасида, хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, у билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни криминализациялаш ҳамда халқаро стандартларни тўлиқ ва тўғри қўллаш лозим.

Шунингдек, мониторинг жараёнида самарали ҳуқуқий механизмнинг етарли эмаслиги, давлат хизматчиларининг этика қоидаларига риоя қилиш даражасининг пастлиги ва бир қатор шундай муаммоли масалалар ҳал этилиши лозим.

Коррупцияга қарши курашишда жамият аъзолари фаол иштирокини кучайтириш учун маълумотларни эркин олиш имкониятини яратиш, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш ва олдини олиш, коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишда

жамоатчилик иштирокини таъминлаш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Қолаверса, юртимизда ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришнинг янги инновацион усуллари ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш, коррупция ҳолатини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва баҳолашнинг реал, ҳаётий, холис ҳамда шаффоф индикаторларини белгилаш ҳам муҳим. Буларнинг барчаси жамиятда коррупция деган иллатни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят суди судьяси

Д.У.Алмуратова